Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 140 (6. 331) ◎ 1987 йил 22 июнь, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин

СОВЕТ ДЕМОКРАТИЯСИ ТАНТАНАСИ

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари маҳаллий Советлар ва халқ судларига бўлиб ўтган сайловларда халқимизнинг энг асл фарзандлари учун якдиллик билан овоз бердилар.

Кеча шаҳар эрта уйғонди. Клублар, маданият уйлари ва саройларида, мактабларда — барча сайлов участкаларида карнай ва сурнай овозлари, оркестр садолари янграб турди. Дилрабо қўшиқлар, шўх рақслар сайловчиларнинг чеҳраларидаги гулгун табассумлар билан уйғунлашиб кетди. Маҳаллий Советларга ва халқ судларига сайловларни ўзига хос меҳнат совғалари билан кутиб олган Тошкент меҳнаткашлари сайлов участкаларига ёруғ юз ва кўтаринки руҳда кириб келдилар. Улар ўз номзодлари учун якдиллик билан овоз бердилар.

Депутатларнинг, яъни халқ вакилларининг шаҳримизни социал-иқтисодий ривожлантириш программасига қўшиб келаётган ҳиссалари каттадир. Кейинги икки йил мобайнида сайловчиларнинг наказлари асосида халқ вакиллари жуда катта ишларни амалга оширдилар. Пойтахт саноатининг қуввати ошяпти, иқтисодий потенциали эса ўсяпти. Бир қатор саноат корхоналарида янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Кўплаб маданий маиший объектлар, турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Юзлаб онлалар янги, шинам ва қулай квартираларга кўчиб ўтдилар. Сайловлар арафасида уй тўйлари снёсий кампания тароналарига уланиб кетди.

Ҳамшаҳарларимиз КПССнинг ташқи ва ички снёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Ишчилар ва хизматчилар, студентлар, бутун Тошкент аҳолиси коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки учун якдиллик билан овоз берар эканлар, бундан кейин ҳам коммунистик қурилишнинг улуғвор режаларини амалга ошириш, ер юзида тинчлик бўлиши учун курашга бўлган қатъиятларини изҳор этдилар. Шу боисдан ҳам кеча бўлиб ўтган маҳаллий Советларга сайловлар катта тантана байрамига айланиб кетди.

Н. Островский номли Пионерлар уйида жойлашган Куйбишев район 8-сайлов участкаси эрта тонгданоқ гавжумлашиб кетди. Бу ерда халқ депутатлари маҳаллий Советларига ва район (шаҳар) халқ судларига сайловлар ўтказиш учун барча шароитлар тахт қилиб қўйилган эди. 2024 нафар сайловчи шаҳар Совети депутатлигига номзод, Тошкент экскаватор заводи нормаловчиси Г. В. Шукайлова, район Совети депутатлигига номзодлар —«Узгипротяжпроект» институти директори Н. Х. Ҳикматуллаев, «Узбекхлопкомаш» заводи фрезерчиси С. Б. Бояренцев, Тошкент давлат физкультура институти 2 курс студенти И. Х. Князхоноваларни депутатликка сайлаш учун овоз бердилар. Сайловчилар ўз номзодларини яхши танийдилар.

Шу кунгача улар бир неча маротаба корхоналар, турар жой массивлари ва ташкилотларда учрашувлар ўтказдилар. Аҳолининг турмуш шароитлари билан яқиндан танишдилар, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўргандилар. Сайловолди наказларини қабул қилдилар. Уларнинг ҳар бири ҳалол хизмат қилишга, сайловчиларнинг наказларини ўз вақтида бажаришга бел боғладилар...

Бирин-кетин сайлов участкасига 18 ёшдан тортиб 80 ёшгача бўлган сайловчилар кириб кела бошлашди. Пионерлар уйи байрамона безатилган. Бино пештоқларига ва кўзга кўринадиган жойларга турли даъваткор шиорлар қўйилган. Созандалар ҳамда ўқувчи қизларнинг «Пахтаой» ансамбли куй-қўшиқлар ижро этиб, сайловчиларнинг дилларини хушнуд этмоқдалар. Район болалар поликлиникаси медицина ходимлари, район ошхоналар трестининг 23-ошхонаси ошпазлари, район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 32-озиқ-овқат магазини сотувчилари эл хизматида.

Ниҳоят орзиқиб кутилган вақт келди. «Узгипротяжпроект» институти группа раҳбари Павел Иванович Осокин микрофон ёнига келиб бугунги тантанани очди.

— Бу йилги сайловларда авваллари айрим жойларда йўл қўйилган расмиятчилик, юзакичилик йўқ. У демократия негизларини мустаҳкамланган ҳолда ўтмоқда. Келинглар, энг яхши вакилларимиз учун овоз берайлик!..

П. И. Осокин 8-сайлов участкасида олиб борилган ишлар, номзодлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Қўлларида гулдаста тутган пионерлар меҳмонларни, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларини, депутатликка номзодларни қизғин табрикладилар. Шундан сўнг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Биринчи бўлиб қути олдига П. И. Осокин келди ва овоз беришни биринчи бўлиб бошлаб берди. Шундан кейин А. Рогозин, О. Олежко, Н. Бойбекова сингари ёшлар ҳаётларида биринчи марта сайлаш ҳуқуқига эга эканликларини намойиш этдилар.

Биринчи марта овоз бераётган Нилуфар Бойбекова биз билан бўлган суҳбатда шундай деди:

— Мен учун бугун ҳаётимда унутилмас кун бўлди. Сайловда биринчи марта қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, халқимизнинг муносиб фарзандларини депутатликка сайлаш учун овоз бердим.

Улар биз сайловчиларнинг наказларини ўз вақтида адо этиб, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши, маданий-маиший шароитларнинг яхшиланиши йўлида куч-ғайратларини аямасликларига ишонч ҳосил қилганим учун ҳам бу номзодларни маъқуладим...

Вақт ўтган сари сайловларда қатнашганлар сонини кўрсатувчи журналдаги белгилар кўпайиб борар, айрим фамилияларнинг қаршиси эса очиқ қоларди. Сайлов участкаси комиссияси раисининг ўринбосари В. К. Абдиев ажабланганимизни кўриб изоҳ берди:

— Кеча баъзи оилалардан келишиб, юролмайдиган инвалидлар, касаллар ҳақида хабар бериб кетишган эди. Бироздан сўнг агитаторларимиздан А. Гольдман, В. Фулга-Морскаялар уларнинг уйларига бориб кимларга овоз беришларини аниқлаб берадилар. Аввалом бор бугунги сайловларда аҳоли актив иштирок этяпти. Мана бир-икки соат ичида икки мингга яқин сайловчи участкамизга ташриф буюрди. Энди биргина вазифа бюллетенларда кўрсатилган депутатларни аниқлаб эълон қилиш қолди, холос.

...Яна бир неча соатдан сўнг агитаторлар қайтиб келишди. Комиссия аъзолари ажратилган махсус хонада бюллетенларни саралаб чиқишгач, Тошкент шаҳар Совети депутатлигига Галина Михайловна Шукайлова, Куйбишев район Совети депутатлигига Неъмат Ҳикматович Ҳикматуллаев, Инна Ҳалиловна Князхонова ҳамда Сергей Борисович Бояренцевлар якдиллик билан сайланганини маълум қилдилар.

Биз Сергели районидаги 9-сайлов участкасида ҳам бўлдик. Эрталаб соат 6. Сайловга бағишланган митингни Сергели район план комиссиясининг раиси ўринбосари З. Х. Гайнутдинова очди. Сўнг Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг Гимнлари янгради.

3056 нафар сайловчи мавжуд бўлган бу сайлов участкасида биринчи овоз беришни 1897 йилда туғилган, меҳнат ветерани Гаиса Ивановна Николаева, унинг издошлари Хожибой бобо Отаев ва бошқа кекса сайловчилар бошлаб беришди. Сўнгра эстафетани ёшлар олишди. Сергелиликлар ўзларининг энг яхши вакилларини шаҳар ва район Совети депутатлигига сайладилар.

Сиёсий кампанияга Ҳамза районининг барча агитпунктларида ҳам пухта ҳозирлик кўрилгани маълум бўлди. Айниқса 1-сайлов участкасида бу кампания чинакам байрамга айланиб кетди. Сайловчилар қайта қуриш, демократлаштириш ва ошкоралик шиорлари остида ўзларининг энг яхши вакиллари учун якдиллик билан овоз бердилар.

— Совет сайловларида иштирок этаётганимга ҳам қирқ йил бўлди, — дейди 1944 йилдан буён КПСС аъзоси, республика миқёсидаги шахсий пенсионер, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Рамил Ҳамидович Ахмадуллин. — Лекин бугунги сайловларнинг таровати ўзгача. Аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Бугун биз чинакам демократияни ва ошкораликни кўрмоқдамиз...

Шу куни участканинг бешта округидан жами 2 мингдан ортиқ киши номзодлар учун овоз бердилар.

Фридрих Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг биносига жойлашган 8-сайлов участкаси агитпунктида ҳам тонг саҳардан ҳаёт қайнади. Бино пештоқига «Хуш келибсиз, азиз сайловчилар», «Халқимизнинг энг яхши ўғил-қизлари учун овоз берамиз!» деган шиорлар кўзга ташланади. Бу сайлов участкасида Чилонзор районидаги «Чилонзор» маҳалласидан 1495 нафар сайловчи энг яхши вакилларига овоз бердилар...

Умуман, шаҳарнинг барча сайлов участкаларида ўтган бу сиёсий кампанияда сайловчиларнинг юксак сиёсий активлиги, партия ва халқнинг қудратли бирлиги, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга, Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллик юбилейини муносиб зафарлар билан кутиб олишга интилиш, Ватанимизнинг янада равнақ топиши ва гуллаб яшнашига ижодий меҳнат билан ҳисса қўшиш иштиёқи яққол сезилиб турди. Тошкентликлар бўлиб ўтган сайловларда партия, Ватан ва халқ ишига яна бир бор содиқ эканликларини намойиш этдилар.

Т. ТОШЕВ,
М. ДАМИНОВ,
Ғ. РАЗЗОҚОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбирлари.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ОШКОРАЛИК УЧУН

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари халқ депутатлари маҳаллий Советларига ва халқ судларига бўлиб ўтган сайловларда партия билан халқ бирлиги учун якдиллик билан овоз бердилар

Тошкент. 1987 йил 21 июнь



СУРАТЛАРДА: тошкентликлар энг яхши вакилларни учун овоз бермоқдалар.

Т. Каримов фотолари.

Замондошимиз



МУРАББИЙ

«Инсон қўли гул, болам... Узнинг ўту чўғга уриб юрган ёшларимизнинг бепарволиги мени ташвишлантиради. Ахир вақти келиб улар ўринимизни эгаллаб, ишимизни давом эттиришади-ку!»...

Шогирдига насиҳат қилаётган ҳамкасабасининг гапига Муҳтабарнинг хаёли чалғиди. У ҳақ эди. Мана биргина чеварлик касбининг ўзи. Унга қунт қилган кишн тикувчиликнн ўқувчилик йилларидаёқ эгаллаб олиши мумкин. Шуларни ўйлаб Муҳтабарнинг кўз ўнгида бир зум корхонага келган дастлабки дамлари жонланди. Уша пайтларда бу ерда ишчи кучига талаб катта эди. Қийин шароитда ҳамма вижданан, ҳалол ишлашга одатланганди. Талабчан мураббийларнинг ғамхўрлиги туфайли кўнгил қўйган касбини ёш тикувчи тез орада мукаммал эгаллаб олди. Топшириқларни сифатли бажарадиган бўлди.

Бугун эса «Чевар» бирлашмасида кенг иш фронти юзага келган. Яхши ишлаш, самарали меҳнат қилиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Чеварларнинг ташаббускорлигини айтмайсизми! Улар кўзлаган мақсадларини амалга оширмагунча тинмй-тинчишмайдн. Бунинг сирини моҳир тикувчи ишга масъулият билан ёндошишда деб биладн. Ахир касбига меҳр, садоқат билан ёндошмаган одам қандай қилиб самарали ишлай олсин! Муҳтабар Дадамуҳамедованинг ўзи ишда бой тажриба тўплаган фидокор чеварларнинг бири. У ўттиз йилдан буён шу касбни эъзозлаб келяпти. Бу давр мобайнида устоз ишчининг тайёрлаган шогирдларн 20 дан ортиб кетган.

Корхона фидокорларининг зарбдорона меҳнати эвазига йил охирига қадар 30 минг сўмлик хом ашё ва материалларни тежаб қолиш, 22 минг киловатт-соат электр энергиясини иқтисод қилиш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг муҳим бандлари қизғинаоқ уддаланмоқда. Бу ишга коммунистик меҳнат зарбдори Муҳтабар Дадамуҳамедова ҳам муносиб улуш қўшяпти. У айни кунларда 7 ноябрь байрамнни ўн иккинчи беш йиллнкнинг икки йиллик планнни бажариш билан кутиб олиш учун қизғин меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Муҳтабар Дадамуҳамедова.

Партия сафлари мустаҳкамлиги учун

Секретарлар аттестациядан ўтмоқда

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида коммунистлар, сайлаб қўйилган партия активларининг авангардлик ролини ошириш, уларнинг ҳисоботларини тинглаб бориш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Шу асосда жойларда коммунистлар аттестациядан ўтказиляпти, уларнинг фаолиятига холис баҳо бериляпти.

Шаҳарда биринчи бўлиб, Фрунзе район партия комитети бошланғич, цех партия ташкилотлари секретарларини, партия группалари ташкилотчиларини аттестациядан ўтказишга киришилди. Бу масала район партия комитетининг май ойида бўлиб ўтган бюро мажлисида кўриб чиқилган эди. Кейин райком аппарати ва ташкилий бўлим йиғилишларида муҳокама қилинди, махсус низом ишлаб чиқилди. Сўнг секретарлар соатида барча бошланғич партия ташкилотлари секретарларига аттестация ҳақида ахборот етказилди.

Район партия комитетида аттестациядан ўтказувчи учта комиссия тузилди. Комиссияларга район партия комитетларининг секретарлари раҳбарлик қилмоқдалар. Комиссияларнинг бири бошланғич партия ташкилотлари секретарларини аттестациядан ўтказса, иккинчиси цех партия ташкилотлари секретарларини, учинчиси эса партия группалари ташкилотчиларини аттестациядан ўтказишга киришди. Шу кунгача 17 бошланғич, етти цех партия ташкилотлари секретарлари, 13 партия группаси ташкилотчилари аттестациядан ўтдилар.

Бошланғич цех партия ташкилотлари секретарлари, партия группаси ташкилотчиларини биринчи бўлиб аттестациядан ўтказишнинг сабаби бор. Ҳадемай, навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Аттестациядан ўтганлар шу йиғилишларда секретарликка ёки ташкилотчиликка қайта сайланишлари мумкин. Ўтаолмаганлар номзоди эса сайловга киритилмайди.

Дастлабки аттестациядан ремонт-қурилиш бошқармаси бошланғич партия ташкилоти секретари Ш. Тўлаганов, абразив буюмлар комбинати бошқарув аппарати партия группаси ташкилотчиси Л. Жаббарова, «Отделстрой» тресги бошқарув аппарати партия группаси ташкилотчиси Л. М. Самарина саволларга қониқарли жавоб беролмай, синовдан ўтаолмадилар. Навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларида улар номзоди энди сайловга қўйилмайди.

Шу тариқа ҳисобот-сайлов йиғилишларигача 75 нафар бошланғич ва 55 нафар цех партия ташкилотлари секретарлари аттестация қилинади. Умуман аттестация келаси район партия конференциясигача тўла тугалланади.

Яқинда район партия комитети ҳузурида яна бир комиссия тузилди. Унинг составида 11 нафар йирик партия ташкилоти секретарлари, партия ветеранлари, район партия комитети ходимлари бор. Улар коммунистларни ижтимоий-сиёсий аттестациядан ўтказадилар. Комиссия дастлаб ишни тажриба фурнитура-пластмасса заводи партия ташкилотидан бошламоқда. Бу ерда 100 нафар коммунист меҳнат қилмоқда. Аттестация давомида ҳар бир коммунист КПСС Устави талаблари ва хизмат вазифаларини қандай бажараётганлиги ҳақида партиядош ўртоқлари олдида очиқ ҳисоб беради.

Ж. НОСИРОВ.

Об-ҳаво ва саломатлик

22 ИЮНДАН 28 ИЮНГАЧА

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. М. Мажидов тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра, шу ҳафта бошларида ҳарорат кечаси 12—17, кундузи 26—31 даража атрофида бўлади. Кейинчалик ҳаво бироз исийди, ҳарорат кечаси 15—20, кундузи 31—36 даража бўлади. Ҳафтанинг ўртача ҳарорати одатдаги нормадан бироз салқинроқ келади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва метеопрофилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра, ҳафта мобайнида ҳаво ҳароратининг, атмосфера босимининг ва ҳаводаги кислород таркибининг ўзгариб туриши иқлим нормасидан кам фарқ қилади. Бундай об-ҳаво шароитлари аксарият беморларга сезиларли таъсир этмайди. Бу демак, касаллик эҳтиётшининг олдини олиш учун махсус чоралар кўришга зарурат бўлмайди. Бундай кунларда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларга иқлимий-профилактика йўли билан чиниқишни давом эттириш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш тавсия этилади.

ПАССАЖИРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Сўнгги вақтларда шаҳардаги экспресс автобус маршрутларининг қатновига доир аҳолидан кўпгина эътирозлар олинди. Шикоятлар юзасидан ўтказилган текшириш ва мазкур маршрутлар ишининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг бир қисми экспресслик ролини ўтамай қўйибди.

Шаҳардаги автобус маршрутлари ишини тартибга солиш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг нўрсатмасига биноат 31 «э», 49 «э», 91 «э», 100 «э» автобус маршрутлари оддий иш режимига ўтказилиб, уларда қатнов ҳақи 5 тийин қилиб белгиланди. Мазкур маршрутдаги автобуслар оралиқдаги барча мавжуд бекатларда тўхтаб ўтади; 24 «э», 40 «э», 57 «э», 77 «э», 81 «э» автобус маршрутлари тезкор иш режимига ўтказилиб, уларда қатнов ҳақи 5 тийин қилиб белгиланди. Мазкур маршрутдаги автобуслар оралиқдаги барча мавжуд бекатларда тўхтаб ўтади.

БРИГАДИР ИБРАТИ

Бригадага етакчилик қилишни кимнинг зиммасига юклаш керак? Кейинги пайтларда бундай савол ҳайдовчилар ўртасида тез-тез учраб турадиган бўлиб қолди. Четдан қараганда бу ҳол ажабланарли эди. Бригада илғорлиги билан тилга тушган, 2519-автоколоннада анча шуҳрат таратганди. Қолаверса, ҳайдовчиларнинг маҳорати бошқаларникидан устунлиги билан ажралиб турарди. Демак, шундай қилиш керакки, янги бригадир коллектив шуҳратини сақлаб қолсин. Ишончли меҳнат билан оқлаб, муваффақиятларни бойитиб борсин. Бунинг учун у тажрибали ҳайдовчи, жонкуяр коммунист бўлиши шарт.

Бу вазифага кўрсатилган номзодлар орасидан автоколонна раҳбарларининг эътиборини Валерий Гавриловичнинг номи кўпроқ жалб этди. Улар кўзлаган мақсадга жавоб бера оладиган, қўйилган талабларни қондирадиган ягона ҳайдовчи сифатида Валерий ажралиб турарди. Моҳир шофернинг биографияси унчалик шонли-шуҳратга бурканмаган бўлса ҳам ҳалол меҳнати умрини безаганди. 1976 йилдан буён биринчи класс ҳайдовчиси сифатида 4-маршрутида қатновчи шаҳарлик йўловчиларнинг узоғини яқин қилиб келарди. Уларга намунавий транспорт хизмати кўрсатарди.


Валерий Карпов бригадир этиб тайинланган 1979 йилдан бошлаб коллектив аъзоларининг бутун куч-ғайратини ягона мақсадга йўналтиришни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билди. Шунинг учун меҳнат интизомини мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилди. Қатъий графикка риоя этилишини талаб этиб борди. Ҳайдовчилар ҳам Валерий Гавриловичга ўрганиб қолишганидан унинг барча талабларини бажонидил бажаришга одатландилар. Натижада у бошқараётган бригада 2-автоотряддаги машъал коллективларининг бирига айланиб қолди. Моҳир ҳайдовчи, тадбиркор бригадир автоколонна ҳайдовчиларн ўртасида биринчилар қатори бригада пудрати асосида ишлашни йўлга қўйди.

Янги усул коллективда «ҳамма бир киши учун—бир киши ҳамма учун!» принципини кенг шакллантиришга йўл очди. Шофёрлар ўртасида меҳнат интизоми ҳар қочонгидан ҳам мустаҳкамланди. Уларнинг умумий иш учун масъулият ҳисси, ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорликлари янада кучайди. Бир сўз билан айтганда, илгари бир ҳайдовчи фақат ўзи учун жавоб берадиган бўлса, эндиликда бутун бир коллективнинг иш натижасига масъул бўлиб қолганди. В. Иванов, Ю. Смирнов ва бригадирдан иборат бригада совети тузилди. Совет аъзолари вақти-вақти билан тўпланиб, ўз йиғилишларида коллективнинг ишлаб чиқариш фаолиятини муҳокама қилиб бордилар. Камчиликларни вақтида ҳал этиш чораларини кўришди. Илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга интилишди. Бригадага ажратиладиган мукофотлар эса меҳнат иштироки коэффициентига қараб тақсимланди. Ишнинг ташкил этилишидаги бу илғор усул қувончли натижалар бера бошлади.

Бригада бошлиғи Валерий Карпов ҳар бир ишда бошқаларга ўрнак. Ойлик план топшириқларини 110 процентдан ошириб бажариб келаётганлиги бунинг ёрқин далилидир. Бунинг эвазига бригада ҳисобида қувончли натижалар қайд этилди. Ўтган ойлар плани муваффақиятли уддаланиб, салкам 60 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Шунинг бир неча мингги белгиланган планга қўшимчадир.

Ҳозирги кунда Валерий Карпов бошчилик қилаётган бригадага 16 ҳайдовчи уюшган. Улар «ЛАЗ — 695» маркали саккизта автомашинага хизмат кўрсатишади. Високовольт массиви билан М. Горький майдонини боғловчи 4-маршрут хизматидан кўпчилик доимо миннатдор. Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Чунки бу маршрутда тажрибали етакчи Валерий Карпов раҳбарлигидаги ҳайдовчилар қатнашади. Улар доимо йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга интиладилар. Айниқса, коммунист Владимир Иванов, комсомол аъзолари Наримон Холмухамедов, Юрий Смирнов, Зиёд Маҳкамов сингари шоферлар бу борада кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига «Намунали хизмат маршрути» деган шарафли ном доимо оқлаб келинаётир. Айни кунларда Валерий Гавриловичнинг бошчилик қилаётган бригада ҳайдовчилари шонли юбилей — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун ишни ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этишиб, зарбдорчасига меҳнат қилишмоқда. Уларнинг аҳди 7 ноябргача ўн иккинчи йили планнни бажаришдир. Бу юксак маррани эгалланишига шак-шубҳа йўқ. Чунки зарбдорларнинг шу кунги фидокорона ишлари буни исботлаб турибди.

Л. МАТКАРИМОВА
«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ходими.



Каримжон Мирзаевнинг «Агропромремонт»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводига ишга келганига эндигина уч йилдан ошди. Аммо бу қисқа фурсат ичида ёш слесарь юқори разрядли ишчи даражасига кўтарилди. Ҳозир у гидравлик прессларни учун деталлар тайёрлашда фидойилик кўрсатмоқда. Кунлик топшириқларни мунтазам 130 процентга адо этиб, сифатли иш бажаришга эришмоқда. Каримжон корхонадаги кўпчилик комсомол-ёшлар қатори Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга аҳд қилган.

СУРАТДА: Каримжон Мирзаев.
М. Нуриддинов фотоси.

Ватанпарвар

№ 5 (48)

Жасур жангчиларни танийсизми?

⊙ 1920 йил туғилган Исроилов Қизил Армия сафига Киров районидаги Мраморная кўчасидан чақирилган. У 239-ўқчи дивизиянинг 511-ўқчи полкида комсомол ташкилотчиси бўлган.

1944 йил 14 январь куни Ленинград областининг Новгород районидаги аҳоли пунктлари йўналишида душман мудофасини ёриб ўтиш вақтида 1-ўқчи батальон сафида бўлган Рустам Исроилов жангчиларни «Ватан учун, олға!» — даъвати билан душман мудофаасига ҳужумга бошлади.

Новгород — Луга темир йўлидаги ҳарбий шаҳарчани ишғол қилишда у биринчи бўлиб олға ташланди ва жангчиларни мардлик намуналарини кўрсатишга руҳлантирди.

Рустам Исроилов 20 январь куни душман қарши ҳужумини қайтаришда, ҳам довюраклик кўрсатди. Шахсан ўзи автоматдан ўт очиб, ўндан ортиқ гитлерчини қириб ташлади.

Дивизия қомандири 1944 йил 25 январда катта лейтенант Рустам Исроиловни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлади.

⊙ Азим Содиқов 1922 йилда туғилган, фронтга Октябрь районидаги Ҳамза кўчасидан жўнаган. У 239-ўқчи дивизиянинг 817-ўқчи полки составидаги 1-пулеметчилар ротасида пулеметчи бўлган.

Азим Содиқов 1944 йил 9 июль куни душман замбарак ва миномётлардан тинимсиз ўт очиб турганига қарамай, Витебск областининг Полоцк районидаги Луговци аҳоли пункти яқинида Дрисса дарёсидан ўтиб, қаҳрамонларча жанг қилди. Пулемет мўлжалловчиси сафдан чиққанда унинг ўрнини эгаллаб, яқин масофадан шиддатли ўт очиб, душманга даҳшат солди ва тўзғитиб юборди. Шу жангда ўнларча босқинчилар ер тишлади.

Ярадор бўлса ҳам, ҳужум қилаётганларнинг олдинги сафида жангни давом эттирди. Ўқчиларнинг олға силжишига мадад бериб, Дриссанинг ғарбий қирғоғида ишғол қилинган истеҳкомни кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшди.

Шу райондаги Горовци аҳоли пунктига бостириб киришда душманнинг икки ўт очиш нуқтасини яксон қилган Азим Содиқов иккинчи марта ярадор бўлди. Гитлерчилар танклар мададида янги куч билан қарши ҳужумга ўтди. Оғриқни писанд қилмай, у фашистларга қарата қанотдан аёвсиз ўт очиб, душман қарши ҳужумининг барбод бўлишини таъминлади ва гитлерчиларни чекинишга мажбур қилди.

Дивизия командири 1944 йил 24 июлдаги буйруғига биноан Азим Содиқовни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлади.

⊙ Фронтга, Октябрь районидаги Вилоят кўчасидан жўнаган, 1916 йилда туғилган Муҳаммад Тожибоев 301-ўқчи дивизиянинг 823-артиллерия полкида взвод командири бўлган.

Тирасполь районидаги Бичек қишлоғидан икки километр жанубда Днестр дарёсидан ўтиб, унинг ўнг қирғоғида истеҳкомни кенгайтириш мақсадида жанг қилинган 1944 йил 13—14 апрель кунлари отиш позициясида бўлган М. Тожибоев замбаракчилари душманнинг бир танкка қарши отувчи замбарагини, иккита станокли пулеметини яксон қилишди, учта станокли пулемет овозини ўчиришди, талай гитлерчиларни яксон қилиб, қолганларини тўзғитиб юборишди.

Истеҳкомни яна ҳам кенгайтириш учун жанг қилинган 26-27 апрель кунлари отиш позициясидан ўт очган взвод замбаракчилари душманнинг иккита станокли пулемети, йигирмага яқин самолётини яксон қилиб, рота жангчиларининг олға силжишлари учун йўл очиб беришди.

Дивизия командири 1944 йил 15 майдаги буйруғига асосан лейтенант Муҳаммад Тожибоевни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлади.

⊙ 1914 йилда туғилган Ғулом Содиқов 33-ўқчи дивизиянинг 164-ўқчи полкида бўлинма командири бўлган. У фронтга шаҳардаги Лабзак кўчасидан жўнаган.

Полк ҳужум жанглари олиб борган кезларда Ғулом Содиқов ўзининг эпчил, матонатли ва жасур командир эканлигини кўрсатди.

Текута аҳоли пункти яқинда душман ўт очиш позициясини эгаллаш учун жанг пайтида у ҳужумга биринчи бўлиб кўтарилди ва бўлинма жангчиларини олға ундади.

Душман катта куч билан қарши ҳужумга ўтганда эгалланган мавзилдан бир қадам ҳам орқага чекинмади. Ғаниимларнинг икки қарши ҳужумини қайтариб, жанговар вазифанинг бажарилишига муносиб ҳисса қўшди. Шу жангда шахсан ўзи 5 гитлерчини ер тишлатди.

Дивизия командири 1944 йил 26 сентябрдаги буйруғига мувофиқ кичик сержант Ғулом Содиқовни «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотлади.

Азиз тошкентликлар! Сиз ана шу жасур жангчиларни танийсизми?

М. САМАДОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди



ОЛЧА ПИШГАНДА

Қатра

Олча пишди. Дарахт шохларидаги ғужғуж қип-қизил олча доналари аёллар қулоғидаги ёқут кўзли зирақдек товланади.

Манзура буви ҳар йили ҳовлидаги олча ғарқ пишган кунларда бирор фурсат якка ўзи ўтириб, хаёлга чўмади, кўзларидан чиққан ёш томчилари шудрингдек йилтираб юзларига сирғалиб тушади. Юзларини артгач, аста ўрнидан туради-да, шохларни эгиб, шарбатга тўлиб пишган қорамтир йирик олчаларни бирма-бир узиб пиёлага солади. Пиёла яримлагач, олчаларни сувга чайиб чой қошиқ билан пиёланинг ўзида эза бошлайди. Олча эти, уруғлари қирмизи шарбатга қорилгач, икки чақмоқ қанд солиб, устига қайноқ чой қуядида, қошиқ билан аста аралаштиради. Ҳосил бўлган бу оромбахш иссиқ олча шарбатидан бир хўплагиси келадию, аммо, томоғидан ўтмайди. Қалбининг туб-тубидан етилиб чиққан дард бутун вужудини қамраб, халқумига келиб тиқилади. Лаблари титраб кўзларидан яна ёш силқиб чиқади. У пиёладаги шарбатга тикилганча узоқ ўтиради. Неваралари боғчадан келгач шарбатни уларга ичиради...

Катта ўғли Пўлатжон олча пишганда худди шу тарзда, пиёлада шарбат қилиб, қишда эса олча мураббосидан чойга солиб ичишни яхши кўрарди. Бир куни у тўйиб, ойисининг «олча териб беринг» деган илтижосига парво қилмай ҳовлидаги каравотда ухлаб қолди. Уйғонгач, ойиси ҳомлоқкина сўради:

— Пўлатжон, қишда ҳам мураббо солиб чой ичасан-а, биласанми?

— Ҳа, биламан, — деди у онасига жилмайиб қараб.

— Бўлмаса нега олчани териб беришга эринасан?

Пўлат онасининг нишонга урилган бу саволидан лол бўлиб, «Нега эринаман, мана, ҳозир десангиз ҳозир териб бераман» деб қутулди ва дарҳол дарахтга тирмашди.

— Челакни узатиб юборинг, ойи, — деди у юқоридан қўлини чўзганича энгашиб.

Манзура опа бошидан сирғалиб тушаёзган оқ рўмолини маҳкам боғлаб олгач, ерда турган кўк сирли челакни унга узатаётиб: «Эҳтиёт бўл, Пўлатжон. Терганингча ол, қолгани қолар», деди меҳрибонлик билан.

Пўлат дарахтнинг тепа шохига чиқиб минib олди. Шарбати тирсиллаб турган йирик-йирик олча доналарини авайлаб узиб челакка сола бошлади.

Челак яримлаб қолганда, у бирдан олча теришдан тўхтаб осмонга қараганча анграйиб қолди. Боягина ҳар ер-ҳар ерда юрган парча-парча оқ булутлар қуёш тафтида эриб самога сингиб кетган эди. Осмон шишадай тиниқ, қуёш тик тепада оламга олтин нур сочмоқда. Бепоён самода эркин яйраб чарх уриб ўйнаётган оқкора кабутарлар чақнаб кўринади. Уларнинг энг шўхи — чинни кабутар кумуш қанотларини қоқиб, кўзни қамаштирарли даражада баланд-баландга парвоз қиларкан, худди капалакдек кичрайиб кетарди. Бу қадар юксакликка парвоз этиб чарчайдими, бирпас қанотини ёзганича ҳузурланиб пастга шўнғийди ва бирдан яна ғайратга минади-ю ғалати ўйинлар кўрсатиб, «рақс»га тушади.

— Ҳой Пўлатжон, мунча осмонга тикилиб қолдинг, бўйнингни оғритиб? Тушақол, бўлади шу терганинг...

У онасининг бу сўзларига парво қилмади, бутун фикри-зикри ҳануз чарх ураётган шўх кабутарларда эди. Кейин яна бироз олча териб, дарахтдан пастга тушди. Тушса ҳамки, кўзини осмондан узгиси келмасди. Кабутарлар рақсини завқ билан томоша қилиб турган бир пайтда кўча эшиги очилди-ю, қўшни Умри хола ранги қув ўчган ҳолда ҳовлиқиб кирди: «Вой эшитмадингларми, уруш бошланибди, уруш!»

Бу совуқ хабар кўз очиб юмгунча маҳалла бўйлаб тарқалди. Орадан бир ҳафта ўтмасданоқ район, шаҳар ҳарбий комиссариатларидан чақирув қоғозлари қўшдек учиб кела бошлади. Пўлат ҳам минглаб йигитлар сафида фронтга жўнади...

Шу-шу, мана, орадан қирқ беш йилдан зиёд вақт ўтди. Ундан ҳануз дарак йўқ. Кичик ўғил акаси Пўлатдан келган қора хатни онасига кейинроқ маълум қилди. Манзура бувининг манглайига кўрпачадек ғам ажинлари тахланиб кетган. Сочлари жийда баргидек кумуш тус олган. Аммо, ғам уни эмас, у ғамни енгиб келмоқда. Саксон ёшдан сакраб ўтди. Ҳали тетик, оғзи ичига чўкмади — ўғли тилла тиш қўйдириб берган, келини уни ўз онасидек кафтига қўйиб ҳурматлайди. Невараларини айтинг, чулдирашиб бувижонига ғамаламни йўлатишмайди.

Мана, бугун ҳам табаррук она қирқ олтинчи маротаба пиёлада олча шарбати тайёрлаб, кўзига ёш олиб Пўлатжонни эслаб ўтирибди.. У урушни қарғаб-қарғаб юрагини бўшатиб олади.

К. МУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

АРМОН

Илгариги мавзуга қайтамиз

Менинг отам 1942 йили урушга кетганлар. Онам бир йилдан кейин вафот этганлар. Бир ёшлигимдан бувам ва бувим қўлларида қолган эканман. Улар мени боқишиб, катта қилишди. Ҳозир 46 ёшга кирдим, 10 фарзандниинг онасиман. Отамнинг тириклиги ёки вафот этганлиги ҳақида ҳеч қанақа хабар бўлмаган.

Шу боис ҳар куни келиб қоладилар деган умид билан уйғонаман. 10 март куни «Тошкент оқшоми» газетасида босилган «Фарзандлик бурчига садоқат» мақолаасини ўқиб ниҳоятда ҳаяжонланиб кетдим. Ахир менинг отам билан жанг қилган, ёки у кишини фронтда кўрган бирон қиши борди-ку? Мақолани ўқиётганимда хаёлимдан ана шундай фикрлар ўтди. Мақола авторига хайрли иши учун миннатдорчилик айтаман. Отам — Содиқ Розиқов 1920 йилда туғилган. Жараҳи маҳалласидан урушга жўнаган. Мақола автори кўплар қатори менга ҳам бир аниқ маълумот берадилар деган умиддаман.

М. СОДИҚОВА.

ҚАЛАМ ВА ҚУРОЛ БИЛАН



Деҳқон оиласида туғилган Сафар Орзуметов Ўрта Осиё давлат университетини тамомлагандан сўнг, аввал Хоразм округ халқ маорифи бўлимида, кейинчалик Хонқа район ижроия комитетида масъул лавозимларда ишлади.

1928 йилда у Самарқанд Давлат педагогика академиясида, сўнгра Тошкентга келиб, Ўрта Осиё коммунистик университетида ўқитувчилик қилди. 1934 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррирлик қилди.

Ноширлар орасида обрў-эътибор қозонган Сафар Орзуметов ўқув-педагогика нашриётига бош муҳаррир этиб тайинланди. Бу ерда ҳам у ташкилотчи, моҳир ношир эканлигини амалда кўрсатиб, обрў-эътибор топди. Социалистик қурилишдаги актив хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Сафар Орзуметов 1941 йилнинг август ойида ўз тенгқурлари билан армия сафига жўнади. У аввал гвардиячи қисмдаги миномётчилар батареясига командирлик қилди. Кейинчалик фронтда ўзбек тилида чиқадиган «Суворовский натиск» газетасининг ҳарбий мухбири бўлди.

Навбатдаги ҳужумга тайёргарлик кўрилаётганда унга фронт Бош сиёсий бошқармасига боришни буюришди. У фронт газетасида ишда қолди. Адреси ҳам ўзгарди — дала почтасининг номери 92861 эди. Кўп вақт у ҳеч кимга хат ёзмади. Бунинг боиси, 1943 йил 26 октябрь куни ҳалок бўлганди. Сафар Орзуметов Полтава областининг Кишиневск районига қарашли Лашковск қишлоғида дафн қилинди.

Сафар Орзуметов ишлаган газета муҳаррирининг ўринбосари майор Муродов С. Орзуметов оиласига хат йўллаб, унинг жанговар постда ҳаҳрамонларча ҳалок бўлганини маълум қилди.



Райимжон Ғафуров Ўзбекистон давлат нашриётига 30-йилларда ишга келганди. Ноширлик касбини севар, завқ-шавқ билан ишларди. Фашистларнинг ҳужумидан ҳаддан ташқари ғазабланди. Ариза бериб фронтга, ҳаракатдаги армия сафига жўнади. У ўзининг биринчи хатини 1943 йилнинг 8 январида рафиқаси Чиннихон номига жўнатди ва «Ғалаба билан юртимизга қайтамиз, Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини душмандан ҳимоя қилиш учун қалқон бўламиз», деб ваъда қилди.

Маълумки, 1943 йил қишда фронтда катта ўзгаришлар бўлди. Совет Армияси қарши ҳужумга ўтди. Сталинградда душманнинг 300 мингдан ортиқ солдат ва офицерлари қуршаб олинди. Шу вақтда Райимжон Ғафуров командир бўлган алоҳида пулемётчилар батальони ҳам Сталинград бўсағаларида ёв билан юзма-юз олишаётган эди.

Душман жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатар, талофат кўрган қисмларини яна тўплаб жангга солар, қандай қилиб бўлса ҳам эгалланган истеҳкомини қўлдан бермасликка интиларди. Райимжон командир бўлган пулемётчилар катта бир текисликни мудофаа қилиб турарди. Душман аскарлари танклар ёрдамида ҳужумга ўтишди. Олдинда келаётган танк яқинлашганда Райимжон ўқ узишга буйруқ берди. Пулемётчи Абдураҳмонов мўлжални аниқ олиб граната иргитди. Ўқлар ёмғирига бардош беролмаган душманнинг пиёда аскарлари тумтарақай бўлиб, жуфтакни ростлади. Танклар ҳам бирин-кетин ғойиб бўлишди.

1943 йилнинг апрель ойида Райимжон командирлик қилаётган қисм Орёл яқинидаги Купрянск шаҳрига юборилди. Совет қўшинлари дарё соҳилида ўрнашиб олган душман истеҳкомини ёриб ўтиб, фронт бўйлаб ҳужум бошладилар. Бу жангларда — Райимжон бошлиқ пулемётчилар батальони катта маҳорат кўрсатди. Гвардиячи лейтенант Райимжон Ғафуров 1943 йил 19 июлда жонажон Ватанимиз учун бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Л. ҲАМРОЕВ.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, «Тошкент оқшоми»нинг жамоатчи мухбири.

Дунё хабарлари

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

Журналистлар билан учрашув

ДЕҲЛИ. «Қуёш коптоқ, ҳар ён осмон — бу бир бола чизган сурат...» Ана шу машҳур қўшиқ ижроси билан В. И. Ленин номидаги «Артек» Бутуниттифоқ пионерлар лагеридан эндигина қайтиб келган беш нафар ҳинд ўқувчисининг журналистлар билан учрашуви бошланиб кетди. Улар «Бизнинг дунё XXI асрда» деган шиор остида бултур ўтказилган анъанавий умумҳиндистон болалар чизган расмлар конкурсида ғалабага эришганликлари учун Қримга йўлланма олган эдилар.

«Биз ватанимизга совет тенгдошларимиз ҳақидаги энг яхши таассуротлар билан қайтдик. Суҳбатларда, спорт мусобақаларида, викториналар, музика ва рақс кечаларида дўстлигимиз мустаҳкамланиб борди. Жаҳондаги турли мамлакатлардан келган болалар «Артек»да ягона оила бўлиб яшашди. Мен ўзим чизган ва конкурсга ҳавола қилган расмда ядро ракеталари ва бомбалар катта қозонда қандай ёнаётганини, ёрқин гуллар орасидан боқиб турган болаларнинг хушнуд чеҳраларини акс эттирдим. Биз келгуси асрда орзуларимиз ушалишига ишонамиз», — деди 13 яшар Ашок Дас.

Болалар чизган энг яхши сурат конкурси Ҳиндистонда нашр этиладиган «Совьет Лэнд» журнали томонидан бу ерда 1970 йилдан бери ўтказиб келинади.

ҚАРОҚЧИЛИК ХУРУЖИ

● **КОБУЛ.** Шу кунларда бутун мамлакат бўйлаб афғон меҳнаткашларининг митингларн ўтмоқда. Митингларнинг қатнашчилари АҚШ бошчилигидаги империализм ва реакция кучлари республика ички ишларига аралашувини давом эттираётганлигини қоралямоқдалар. Пактиё, Лағмон, Ғор, Тахор, Қундуз вилоятларидаги давлат корхоналари ва муассасаларининг ишчи ҳамда хизматчилари, мактаблар, лицейлар ва олий ўқув юртларининг талабалари меҳнат коллективлари йиғилишларида, норозилик митингларида АН—26 пассажир самолётига қароқчиларча ҳужум қилган аксилинқилобчиларни ғазаб билан қоралядилар.

Митингларнинг қатнашчилари Америка маъмурияти амалда Афғонистон тевараги даги вазиятни тинч йўл билан бартараф этиш жараёнини барбод этмоқда, деб таъкидлашди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● **НЬЮ-ЙОРК**

СССР Ташқи ишлар министрлигининг Москвадаги матбуот марказига юборилган 450 нафар хорижий мухбирнинг ҳаммаси Ташқи ишлар министрлигидаги брифингларн ва матбуот конференцияларида иштирок этишда мутлақо чекланмаган ҳуқуқларга, бошқа ташкилотларда, жамоатчилик вакиллари билан, алоҳида кишилар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш ҳуқуқига эгадирлар, деди совет делегациясининг бошлиғи Б. Д. Пядишев БМТнинг ахборот масалалари билан шуғулланувчи комитетининг сессиясида. Агар АҚШ совет журналистларини ташқи сиёсий маҳкамадаги матбуот конференцияларида эркин қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилса, бошқа ахборот манбалари йўлини беркитса, бу шундай қилаётган кишиларнинг виждонига ҳавола. Биз журналист меҳнатига, ошкоралиққа масъулият билан жиддий муносабатда бўлганлигимиз учун бунга жавобан шу каби чораларни қўлламаймиз.

● **РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО**

Бразилия президенти Жозе Сарней мамлакат олдида турган муаммоларни ҳал этишга ёндашишда янги тафаккурни шакллантириш зарур, деб таъкидлади. У Бразилия шаҳрида бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзга чиқиб, ҳозир жамиятнинг ҳар бир аъзоси мамлакат учун нима қила олиши ҳақида ўйлаб кўриши керак, деб уқтирди.

Бразилия бошидан кечираётган жиддий қийинчиликларни бартараф этиш учун, деб қайд этди президент, барча иккинчи даражали муаммоларни унутиш ва бирдамлик негизида экономикани модернизациялаш жараёни давом эттирилишини таъминлаш зарур. Айнан модернизациялаш ҳозирги тангликни бартараф этишда Бразилияга кафолат бера олади, деди Сарней.

● **ВАШИНГТОН**

АҚШ конгрессининг ташқи ишлар бўйича сенат комитети қонун лойиҳасини овозга қўйишни кечиктирди. Бу қонун лойиҳасига мувофиқ маъмуриятнинг Форс кўрфазида танкерларни кузатиб бориш юзасидан ўзи ишлаб чиққан планни конгресс томонидан тасдиқлагунга қадар уни амалга ошириши тақиқлаб қўйилган бўлур эди. Шу қонун лойиҳасини киритишда ташаббускор бўлган сенат ташқи ишлар комитетининг раиси сенатор Клейборн Пелл ёпиқ мажлис бўлиб ўтгандан кейин мазкур масала юзасидан овоз бериш келгуси ҳафтада бўлиши мумкинлигини айтди.

ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯЛАРИ КЎЧАЯПТИ

Калейдоскоп

Англиянинг энг йирик газета ва журналлари редакцияси жойлашган Лондоннинг Флит-стрит кўчаси номи кўпчиликка яхши таниш. Аммо сўнгги пайтда редакциялар бу кўчани бирин-кетин тарк эта бошладилар.

Флит-стритдан биринчи бўлиб австралиялик миллионер-ношир Р. Мэрдок кўчиб ўтди. У ўзи сотиб олган тўрт газета, шу жумладан «Таймс» газетаси редакциясини Лондоннинг шарқий Уоппинг районига кўчирди. Шундан сўнг бу кўчани «Дейли телеграф» тарк этди. Бошқа йирик нашриётлар ҳам Лондоннинг турли районларига кўчиб ўтиш ниятида. Оқибатда Флит-стрит кўчасида чоп этилган йигирма босма нашридан атиги учтаси ўз жойида қолади.

НИКОТИН ТУФАЙЛИ

Никотин таъсири натижасида Бразилияда ҳар йили юз минг киши ҳалок бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш федерацияси ана шундай маълумотларни келтиради. Агар Бразилиядаги жами кашандаларнинг умумий сонини эътиборга оладиган бўлсак никотин туфайли ҳар минг кашандадан 3 нафари барвақт ҳаётдан кўз юммоқда.

Нафосат гулшани

ҲАҚИҚАТ ЗАМОНИ

Янги авлод туғилмоқда чақинлар оташида —
Инқилобий ислоҳотнинг довюрак жарчилари.
Иродаси тобланмоқда ҳақиқат қуёшида,
Адлсизлик занжирини узмоқда шер сингари.
Юрак билан жавоб бериб даврнинг садосига,
Чин ҳақиқат учун жонин қўймоқда зўр гаровга.
Виждон билан исён қўзғаб ҳақсизлик балосига,
Жангчи каби кўкрагини тутмоқда ўт-оловга.
Ҳукм суриб келган ҳаёт қонунларини бузиб,
Жаҳаннамга ирғитмоқда эски русумларини.
Имонсизлик дарахтини томири билан узиб,
Тузатмоқда жамиятнинг носоз қусурларини.
Ижтимоий адолатни этмоқ учун барқарор,
Ижодиёт дунёсида инкишоф қилмоқ учун,
Янги даврон минбаридан сўзламоқда жанговар,
Улуғларга ўргатмоқда Ҳақиқат дарсин бугун.
Меҳнаткашмас, раҳбар эди асарлар қаҳрамони,
Мансаб деган асов тулпор эгарин безаганлар.
Энди эса дилга эгов адиблар пушаймони,
Бармоғини ўқ қилмоқда бирга асал еганлар.
Ёши улуғ аҳли сийлов кўрди доимо,
Ҳақиқатга қўл узатди дили, тили поклари.
Ҳадик босган юрагида турли ташвиш ва ғавғо,
Топиларми ушбу дамда устознинг бебоқлари?
Унутилмас сабоқдир бу навқирон авлод учун,
Сеҳргардек яшаб келди ниқоб кийган кимсалар.
Қабих парда йиртилдию юзи кўринди бутун —
Милён-милён ақча ютган меш қорини тимсоҳлар.
Янги авлод уйғонмоқда уқалаб кўзларини,
Келажакнинг умидлари яшар мурғак жонида.
Ислоҳотнинг аскари деб билмоқда ўзларини,
Инқилобий ҳайқириқлар бонг урар виждонида.
Сафарбарлик эълон қилди янги авлод бу дамда:
Адабиёт ва санъатда ислоҳот қилмоқ ният.
Неча йилдир ўзбек насри яшаб келди ҳашамда,
Янги фикр, янги кучга муҳтож бугун шеърият.
Янги мазмун, янги шакл, янги услубга муҳтож,
Истифода қилинмасдан ётар сўз хазинаси.
Янги ва мард истеъдодга сезмоқда у эҳтиёж,
Нурли қалам тегмай турар шижоат саҳифаси.
Сўз қасрининг пештоқига қадамоқ учун байроқ,
Имон билан қалам тутган инқилобчи ёш насл,
Даврон келди — овозингиз бўлсин яна баландроқ,
Ислоҳотдан иборатдир ҳаёт ўзи муттасил.
Долзарб дамда ислоҳотни кимки айласа ниқоб,
Ҳудбинликни шиор этса, шаънингизга тушар доғ.
Ундоқ кимса сизга дўстмас, сўз мулкида бир қаллоб,
Ёки ижод кишварини ҳавас қилган қора зоғ.
Улуғлар қазиган ариқ сувидан қонмай чанқоқ,
Янги ариқ очинг тезроқ эл-юрт баҳраманд бўлсин.
Ўнқир-чўнқир йўлдан кечинг, қочинг учраса сўқмоқ,
Катта йўлда жавлон уринг, барча орзуманд бўлсин.
Сизни ислоҳ қилмай даврон, давронни қилинг ислоҳ,
Ўт жабҳада бўлинг доим ҳақиқат мардонаси.
Юрак сўзин айтиб қолинг, халқимиз бўлсин гувоҳ,
Яна қайтиб келмас, балки Ҳақиқат замонаси!

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

Фильмга диплом

«ДСК—фильм» ҳаваскорлик киностудияси аъзолари бинокорлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб ленталар яратишган. Тош. кентдаги уйсозлик комбинати маданият саройининг коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 70 йиллик юбилейига атаб «Топишмоқ» фильмини суратга олди.

Сатирик жанрда яратилган мазкур лентада салбий ҳолатлар қаттиқ танқид остига олинган. Ўзига хос оригинал композиция касб этган ушбу ижод маҳсули ҳаваскорлик фильмлари XI Тошкент область конкурсига тақдим қилинган эди.

Кўрикнинг якунловчи турида «Топишмоқ» фильми ҳам ғолиб деб топилди. Қизиқарли фильм учун студия Ўзбекистон кинематографчилар союзининг махсус дипломи билан тақдирланди.

С. ОДИЛОВА.



«Ёқимли куй янграганда». Х. Солиҳов фотоэтюди.

ГУЛНИНГ ЎКИНЧИ

Боққа кирдим, гуллардан бири,
Ҳуснимга боқ, раъноман, — деди.
Ишқ-вафодан куйламоқ бўлсанг,
Мен шеърингга маъноман, деди.
Маъюс кулди, табассумида
Балқиб кетди нафратми, ормн,
Ҳайрон бўлдим, ахир, оламда —
Раънодан ҳам бахтлироқ борми?
У — ишқ рамзи, бу сизга аён,
Гулсиз бирор ишқ, ошиқ бўлмас,
Гул ошиқлар элчиси бўлиб,
Севишганлар ишқи билан маст.
Лекин бугун раъно ғазабнок,
Сўлиб қолмиш ургандай қуёш.
Япроғида милтирар томчи,
Шудрингмикин ёки аччиқ ёш?
Қаршисига ўтирдим секин,
Дедим: гапир, қурбонинг бўлай,
Ранг қолмабди, чеҳрангда гулим,
Юрагинг оч, дардингни билай.
Деди: диллар занжириман, рост,
Кўп ошиқлар кўксида кулдим,
Аммо кеча бир нопок «ишқ»нинг
Мен ногаҳон гувоҳи бўлдим.
Оқшом эди,
Тун қора сочин —
Ой нурида юварди яйраб,
Ишқимизда хониш қиларди,
Булбуллар ҳам завқ билан сайраб.
Мафтун эдим мен ўша тунга,
Мафтун эди яна бир жуфт кўз:
Мафтун бўлиб гўзал оламга,
Севгилисин кутар эди қиз...
Шу дам бирдан силкинди бутоқ,
Пайдо бўлди йигит-навжувон,
Қучоғида бир даста гули
Энтикарди, шошарди чунон.
— Кўп куттирдим, кечиринг, — дея
Қизга йигит гулини чўзди,
Ўпди. Гўё айланди осмон,
Гўё бир ёш ғунчани узди.
Ўсал бўлдим, гар ишонмасанг,
Ана айтсин, тил бўлса ойда.
Ахир, кеча бошқа қизга у
Гул тутувди худди шу жойда...

...Боққа кирдим, гуллардан бири
Вафо рамзи—раъноман, — деди.
Аммо бирдан тутилди тили,
Сўнгра:
— Йўқ, йўқ, тонаман! — деди.

Абдулла НУРИМОВ.

РАҚҚОСА ШУҲРАТИ

Машҳур санъаткор Игорь Моисеев саҳналаштирган рақслар кўп миллатли совет хореография санъатига муносиб ижодий ҳисса бўлиб қўшилди. Шарқ халқлари рақсларини постановка қилишда ҳам унинг хизмати каттадир. Шу ўринда «Монголча рақс»ни мисол қилиб кўрсатиш жоиздир. Оммалашиб кетган бу номер «Лазги» ансамбли концерт программасидан ҳам муносиб ўрин олди.

«Монголча рақс» севимли коллективнинг истеъдодли раққосаси Г. Мансурхўжаева ижросида ўзига хос жозиба касб этади. Шуниси қувончлики, нафосатга тўла бу номер билан ёш санъаткор яқинда Москвада бўлиб ўтган эстрада артистларининг Бутуниттифоқ конкурсига муваффақиятли қатнашди. У кўрикда «Чўпон» рақсини ҳам ижро этди. Ижодий ютуғи учун Г. Мансурхўжаева Москвадан конкурс голиби бўлиб қайтди.

А. АЛИЕВ.

РОБОТ

Ҳажвия

Мардонов комиссия аъзоларининг олдига тушиб шодон гапкирib келарди:

—Мана, ўртоқлар, ўзингиз кўрдингиз, бизда механизациялашмаган жой йўқ. Ҳатто озиқ-овқатнисм робот пишираяпти. Ходимларимизга вообще иш қолмади... Қанк, сўрига марҳамат. Ҳозир паловни опкелишади.

Баногоҳ рўпарадаги баланд иморатнинг эшиги «гийк» этиб очилди. Ўгирилиб қараган семиз текширувчи олманни тишлаган жойида данг қотди, новчаси «Ия!!!» деди-ю, кўзларини чақчайтириб анграйиб қолди. Бахайбат темир қўлларида лагандаги сергўшт паловни кўтариб олган робот, ҳа-ҳа, робот тўғри йўлкадан шу ёққа қараб вазмин одимлай бошлади.

Биринчи бўлиб семиз текширувчи ўзига келди.

— Воҳ! Қойил- — чайнаган луқмасини базўр ютиб, ҳовликди у. — Маладес, Мардонип!

—Вот, техник революция! — пичирлади анграйиб қолган новча текширувчи. — Мардонипни мукофотлаш керак!

Ҳи-ҳи... Қўйинг, ака, — бехосдан яхши кўрган йигитининг қўлига тегиб кетган қиздай гул-гул яшнаб, кўзларини сузди Мардонов.

Робот гурс-гурс одимлаб келиб, лаганни Мардоновга узатди-да, улкан қўлини темир кўкрагига даранглатиб уриб, йўғон, гулдирак овозда:

—О-ланг-лар, ака-лар. Узим пи-шир-дим!—деди.

Новча текширувчи ёқасини ушлаб қолди. Семизи эса роботга қараб негадир, ғалати илжайди:

Ҳа-ҳа, оламиз... Оббо азамат-ей!

Ошни еб бўлишгач, Мардонов уларни кузатиб қўйди. Машинага чиқиш олдидан, новча текширувчи Мардоновнинг тирсагидан тутди:

—Зўр, Мардонип! Биз сизни мукофотга тавсия этамиз. Раҳмат сизга.

Мардонов қўлини кўксига қўйиб, қуллуқ қилди. Кузатиб қайтгач, сўрини ёғноштираётган роботни чақирмида, эпдай елкасига бир уриб, деди:

—Қани, қалпоғингни ол-чи, жиян. Пешонангдан бир ўпиб қўяй.

Исажон СУЛТОНОВ.

Китоб жавонингизга

«МЕН ЁЗУВЧИ БЎЛМОҚЧИМАН...»

(Ҳаваскорларнинг машқларини ўқиб)

«Ҳурматли редакция. Мен ёшлигимдан ҳикоялар машқ қиламан. Қуйидаги машқимнн агар ижодий бўлса газетада эълон қилсанглар. Чунки мен ёзувчи бўлмоқчиман. Ана шу орзуга етишимга менга ёрдам берсанглар!».

«Тошкент оқшоми»нинг маданият бўлимига келаётган хатларнинг аксарияти ана шундай бошланади. Редакция уларнинг ҳаммасини диққат билан ўқиб, ижоднинг машаққатли йўлидан юришни орзу қилган ёш ҳаваскорларга кўмаклашишни истайди, албатта.

Мана, тошкентлик Ҳасан Иброҳимовнинг «Гулчеҳра» номли ҳикояси: **«Ёз ёмғирининг сўнгги томчилари тиниб, асфальт ҳиди димоққа урилмоқда. Одатдагидек кўча болалар билан гавжум. Улар чор атрофга сакрашиб ўйнашарди»** — деб бошланади у. Айтиш мумкинки, яхши бошланган. Мавзу ҳам яхши танланган. Авторнинг тили равон. Мақсади аниқ. Лекин ўша мавзу, ўша тили равонлик, ўша аниқ мақсад ёзувчилик истеъдоди етишмаслиги туфайли бадиий бир ҳолатда уйғунлашиб ҳикоя бўлишигача ортиб бороломаган.

Баҳодир билан Гулчеҳра бир-бирларини Тоғир-Зуҳралардек севишган. Одатдагидек учрашувлар. Одатдагидек кўпгина қаҳрамонларнинг висол маскани — Анҳор. Сой бўйидаги интим ҳолатлар. Сўнг албатта уйланиш, тўй. Ҳикоя биз ўйлагандек давом этавериши мумкин эди. Лекин тўсатдан диққат марказимизда Гулчеҳранинг отаси Искандар ака пайдо бўлади. У яқиндагина армиядан қайтиб келган камчиқим Баҳодирдан дабдабали тўй қилишни талаб қилади. Ҳикоянинг ҳудди шу жойига келганда ўқувчи ишонмай қўяди. Искандар аканинг шартига ҳам, авторнинг ростгўй ва самимийлигига ҳам. Биз бу билан «Оталар ўз куёвига бундай шарт қўймайди» демоқчи эмасмиз. Аслo! Бундан ҳам оғир шартларни қўювчилар бор. Лекин шунга ёзувчи ўқувчини ўз истеъдоди билан ишонтира олиши керак.

Хуллас, икки севишган ёш вақтинча кичикроқ тўй қилиб қовушишга қарор қилишади. Бир-бирига интизор яшаган икки ёшнинг бахтли кунлари бошланади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас бу бахтнинг маҳсули — фарзанд туғилади. Ажабки, худди ана шундай кунларнинг бирида Искандар ака яна дабдабали тўйни қўмсаб қоларкан-у, куёвига одам жўнатаркан. Баҳодир тўй қилолмагач эса, «суюкли» рафиқаси кўкрак боласини каравотга ташлаб, ота уйига жўнаб кетаркан. Шу-шу улар ажрашиб кетишибди.

Ҳикоянинг қисқача мазмуни шу. У ўқувчини ишонтирмайди. Юрагига кириб бормайди. Баҳодир ва Гулчеҳра образлари ҳам яхши ишланмаган. Сайқалланмаган. Ҳикоя қуруқ воқеалар тасвиридангина иборат, холос. Уни ўқиган кишида ҳикоядан кўра кўлроқ кичкинтойлар учун эртак айтилгандек таассурот қолади. Биз Ҳасан Иброҳимовга кўпроқ бадиий китоб ўқишни, проза жанрлари билан кўпроқ ва яқинроқ танишишни маслаҳат берардик.

Ҳудойназар Жуманазаровнинг «Биринчи муҳаббат» номли ҳикояси ошиқ йигитнинг беш болани бўлганидан сўнг ҳам илк севгини қўмсаши ҳақидаги ширин ўйларидан иборат: **«Мен уни соғинаман. Унга томон талпинаман. Уни кўргим, унга ҳамнафас бўлгим, нозик қўлларидан аста ушлаб, боғ-роғларни айланиб, ёнма-ён юргим келади. Уни бағримга босиб маҳкам қучгим келади...»**

Яхши ниятлар. Лекин ниятлар, холос. Бу ниятларни ҳар биримиз ҳам қилишимиз мумкин. Негаки, ҳаммамиз ҳам қачонлардир кимнидир севган, кимгадир кўнгил қўйган бўлишимиз мумкин. Лекин ҳаётнинг ўз қонунлари бор. Яшаб турган жамиятимиздан, тузумимиздан келиб чиққан ижтимоий қонунлар. Яхши ниятларнинг хулосаси ҳам яхши бўлиши керак. Беш боласи-ю, умр йўлдошини унутиб, илк севгисини қўмсаган лирик қаҳрамон ўқувчига нима демоқчи? Биринчи муҳаббатнинг қадрига етинг демоқчими? Ё ўз бахтсизлигини айтмоқчими? Унинг шахсий изтиробларн умуминсоний изтироблар даражасига чиқа олганми? Худойназар Жуманазаров ана шу саволлар устидан чуқурроқ ўйласа, дуруст нарсалар яратиши мумкин.

Навоийлик Нозик Қўзиеванинг «Бегона» ҳикояси кишида яхши таассурот қолдиради. Равон ўқилади. Автор ҳикоя қилиш қобилиятини анча эгаллаб олганини ҳис қиласиз. Қаҳрамонларни тушунишга, уларни кўз олдингизда тасаввур қилишга ҳаракат қиласиз. Фақат тасвир камлиги туфайлими ва ё баёнчиликка кўпроқ ўрин берилгани учунми, ҳар қалай ҳикояни ўқиб бўлгач, кўп ўтмай уни унутасиз. Қаҳрамонлар қалбингизда яшаб қолмайди. Уларнинг орзу-умидлари, қайғу-аламлари сизнинг қувонч ташвишларингизга айланолмайди.

Шукур Холмирзаевнинг «Яшил Нива», Алишер Ибодиновнинг «Кўл бўйида», «Гулсапсар ҳиди», «Бир томчи ёш», Нурилла Отахоновнинг «Оқ бино оқшомлари», Абулқосим Мамарасуловнинг «Барлос қишлоғининг зумрад тонглари», Нортўхта Қиличевнинг «Хокисор» ҳикоялари бир ўқишдаёқ хотирангизда яшаб қолади. Яхши асар худди шундай бир ўқилишдаёқ ўз ўқувчисининг қалб мулкига айланиб қолиши керак. Биз Нозик Қўзиевага ҳудди шу тилакни билдиришни истардик.

Бир гуруҳ ижодкорлар редакцияга ҳажвия ва интермедияларини йўллашган. Ҳасан Худойбердиевнинг «Ҳикматни тушунмаган» номли қораламаси на ҳикояга, на ҳажвияга ўхшайди. Биз уни жуда қийналиб ўқидик. Ўқидигу ҳеч нарсага тушунмадик. Шу ўринда Ҳ. Худойбердиевга ўхшаш ҳаваскорларга ўз машқларини тушунарлироқ қилиб, савод билан ёзишларини маслаҳат берган бўлардик.

Нуриддин Очиловнинг «Масъулият» номли ҳажвияси кишини қувонтиради. Ижодий ташкилотларнинг бирида раҳбар бўлиб ишлаётган Оқбой Қорабоевич кечаги кун кишиси эканлиги ҳажвиянинг бошланишиданоқ ишонарли қилиб берилган. Унинг йиғилишдаги нутқи орқали автор ўз қаҳрамони қиёфасини ҳам, характерини ҳам маҳорат билан очиб бераолган. Қайта қуришнинг бугунги талабларига, айниқса кадрлар масаласига юзаки ёндашишининг зарарли оқибатлари ҳажвияда яхши кўрсатиб берилган.

Бахтиёр Неъматовнинг «Йиғлоқи» ҳажвияси яхши ўқилади. Бир қарашда қизиқдек туюлади ҳам. Негаки у футбол ишқибозлари учун ёзилган. Лекин команда ҳужумчиси Алиевнинг «йиғлоқи»лиги туфайли улар турнир жадвалининг юқори поғонасидан ўрин олишлари ўқувчини бироз ишонтиролмайди. Командаси ҳар сафар ютқазганда Алиев майдоннинг ўртасига ўтириб олиб, йиғлашга тушаркан. Буни кўрган командадош дўстлари яхшироқ ўйнашга ҳаракат қилишаркан. Эҳтимол қаердадир, қайсидир футбол командасида шундай ҳолат содир бўлгандир. Лекин барибир китобхонни ишонтириш учун ранг-баранг формалар топиш мумкин эди.

«Асар қалб билан ёзилиши керак», деган эди Абдулла Қаҳҳор. Редакцияга келаётган машқлардан кўриниб турибдики, кўпгина ҳаваскорлар ижод моҳиятини тушуниб етмай, қўлга қалам олишади. Оқибатда бўш, саёз машқлар пайдо бўлади. Биз бу дўстларимизга адабий газета ва журналларда эълон қилинаётган ўткир проблематик адабий-танқидий материалларни, устозларимиз асарларини мунтазам ўқиб боришларини маслаҳат берган бўлардик. Илк машқларни редакцияга йўллаётган кишилар «Ижоднинг асосий қисми — меҳнат» эканини ҳам унтмасликларини истардик.

Исмат ХУШЕВ.

АДАБИЁТ МУЗЕЙИДА САБОҚ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейида халқимизнинг нўп асрлик ёзма адабий мероси намойиш этилмоқда. Зеро, музейлар улкан тарбиявий, эстетик ва илмий аҳамият касб этиб, кишиларнинг бадиий диднни ўткирлаш, дунёқарашини шакллантиришда катта роль ўйнайди. Шу сабабли ҳам музей экспозициялари — олий ўқув юртлари, ўрта мактаблар талабалари учун на фақат маданият кўзгуси бўлиб хизмат қилади, балки улар учун қўшимча шуғулланиш жойига, дарсхоналарга айланиб бормоқда.

Музейда ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганишдан ташқари турли адабий тадбирлар, анжуманлар, баҳс-мушоиралар ўтказиб турилади. Айниқса, музейда ўтказиладиган дарс синфдаги машғулотга қарағанда бирмунча кўргазмали, мазмундор ҳамда ҳаётий бўлиши билан диққатга сазовордир.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг катта илмий ходими, педагогика фанлари кандидати Жўрахон Усмонов «Адабиёт музейи ва дарс» номли методик қўлланма яратди. Рисолада адабиёт музейи экспозицияси материаллари асосида Алишер Навоий, Фурқат, Ҳамза ва Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан боғлиқ дарс намуналарини ёритишга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари музей экспонатлари ёрдамида ёзувчилар ижодига бағишланган адабий анжуманлар ўтказиш каби тадбирлар бадиий-эстетик аҳамиятини кўрсатиб беришни муаллиф ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўқитувчилар учун мактаб ва музей ҳамкорлигини янада ривожлантириш, қўшимча дарс уюштириш учун бирор бир методик қўлланма яратилмаган эди. Авторнинг рисоласи бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Рисолани «Ўқитувчи» нашриёти босмадан чиқарди.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

ШУ ҲАФТАНИНГ ПРЕМЬЕРАЛАРИ

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Шаҳримиздаги бир қатор болалар уйларида тарбияланган ўғил ва қизлар камолотли кишилар бўлиб вояга етдилар. Уларнинг барчаси ҳозирда ажойиб касб эгаларидир. Булар орасида музика, театр ва хореография санъати бўйича шуғулланиб, элга танилган санъаткорлар ҳам бор. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Зоҳид Ҳақназаров, Раъно Низомова, Тамара Юнусоваларнинг босиб ўтаётган ҳаёт ва ижод йўли бунга мисол бўла олади.

22 июнь куни соат 19 да Тельман номли маданият ва истироҳат боғида бўладиган тадбир Ўзбекистон болалар уйларида тарбияланган ажойиб тақдирли инсонлар фаолиятига бағишланган.

ОМСКЛИК САНЪАТКОРЛАР

Шу кунларда пойтахтимизда Омск Давлат музикали театрининг гастроллари муваффақият билан ўтмоқда. Меҳмонларимиз Алишер Навоий номидаги давлат академик катта опера ва балет театрининг саҳнасида қатор спектакллар кўрсатибгина қолмай, балки томошабинлар ва ҳамкасблари даврасида учрашувлар ўтказмоқдалар. Ўзбекистон театр арбоблари союзининг ташаббуси билан Омск музикали театрининг артистлари Туркистон ҳарбий округининг Н-қисм жангчилари ҳузурида бўладилар. Бу тадбир 27 июнь куни соат 12 да ўтказилади.

Шунингдек Омск театри санъаткорлари 28 июнь куни соат 14 да актёрлар уйида ҳамкасблари билан учрашадилар. Бунда РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрнинг бош режиссёри Кирилл Васильев ижодий коллективнинг олдида турган масалалар ҳақида гапириб беради.

ТЕАТРЛАШГАН БАЙРАМ

28 июнь куни соат 17 да Ҳамза районининг Қорасув массивидаги «Юлдуз» маданият уйи олдида совет ёшлари кунига бағишланган театрлаштирилган байрам кўплаб йиғит ва қизларни даврасига чорлайди. Бу ерда республика эстрада ва цирк санъати студияси ижрочилари, «Юлдуз» маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик-ансамбли маҳоратини намойиш этади.

КИНО

Хорижий Шарқ мамлакатларидан бирида ўз вазифасини бажараётган совет халқаро журналисти ўз вазифасини садоқат билан адо этиш мақсадида турли машаққатларга дуч келади.

Афғонистонда хизмат бурчини бошлаган журналист Алексей Русанов аҳоли ўртасида тарқалаётган бедавo юқумли касалликнинг сабабларини аниқлашга киришади...

Америка контрразведкаси совет журналистининг янги бактериологик қурол ҳақидаги хабарини бутун жаҳонга эълон қилишдан чўчийди. ва уни ўлдириш пайига тушади. Жосуслар Русановга суиқасд уюштирадилар.

«Белорусфильм» киностудиясида яратилган «Интервью олган киши» бадиий фильмнинг сценарийсини «Литературная газета»нинг махсус мухбири, халқаро чорчи журналистлар фаолияти билан яқиндан таниш бўлган Иона Андронов ва Анатолий Кудрявцевлар ёзишган. Фильмда Юрий Марухин режиссёрлик, Владимир Калашников операторлик қилишган.

Бу картина «Чайка» ва Комил Ёрматов номидаги кинотеатрларда намойиш этилади.

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕДА

Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонларида совет жангчиларининг кўрсатган матонатлари кўплаб киноленталарга тушириб қолинган. Бу хайрли ишларни бажаришда 257 фронтчи кинооператор қатнашган. Улардан 33 киши жанг майдонларида ҳалок бўлишган. Бу матонатли операторлар уруш давомида уч ярим миллион метр плёнкага сурат олишга муваффақ бўлганлар.

Марказий телевидение 24 июнь куни биринчи программа орқали соат 19 дан 30 минут ўтганда намойиш қиладиган «Ғалаба паради» фильмида Улуғ Ватан уруши операторларининг лавҳалари қамраб олинган. Бу картинада 1945 йилнинг 24 июнь куни Ватанимиз пойтахти Москванинг Қизил майдонида ўтказилган Ғалаба намойиши лавҳалари ёрқин акс эттирилган.


Сиз табиат қучоғида ёки ҳайвонот боғларида қизил тусли қарғалар, ям-яшил кабутарлар, мовий тусли майна, қора рангли тўтиқушларни кўрганмисиз?

Марказий телевидение 26 июнь куни биринчи программа орқали соат 18 дан 50 минут ўтганда намойиш этадиган «Яшил орол — Мадагаскар» киноочеркида Африка қитъасида жойлашган бу мамлакатнинг табиат ва ҳайвонот олами билан яқиндан танишасиз.

Ер куррасида катталиги жиҳатидан тўртинчи ҳисобланган бу орол аҳолиси янгича тараққиёт йўлидан қадам ташламоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Ўзбекистон телевидениеси Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб республика областлари ва Қорақалпоғистон АССР театрлари телевизион фестивалини ўтказмоқда. **Бу ҳақда телестудия драматик эшиттиришлар редакциясининг катта редактори Эгамберди Мусаев бундай дейди:**



— Биз 27 июнь куни биринчи программа орқали соат 13 дан 35 минут ўтганда Жиззах область драма театрининг «Суюк момо» спектаклини томошабинлар диққатига ҳавола этамиз. Драматург Туроб Тўланинг бу пьесасига композитор Мирҳалил Маҳмудов музика басталаган.

Музикали саҳна асарида Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Жиззахда колхозлаштириш ишларини олиб бориш ва айни чоқда босмачиларга қарши курашҳикоя қилинади. Музикали спектаклдаги бош ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ҳусан Бекинов, Гулнора Ўринова ва Толиб Йўлдошевлар ижро этганлар (суратда «Суюк момо» спектаклидан лавҳа).

А. ПЎЛАТОВ.

Жиноят содир бўлди

● **ДАВЛАТ МУЛКИ ЎГИРЛАНДИ**

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг социалистик мулкни сақлашга масъулятсизлик билан муносабатда бўлаётганликлари туфайли корхона территориясида мунтазам хом ашё ва тайёр маҳсулотларни ўғирлаш юз бермоқда, 9 апрелда 26 минг сўмлик пластика ўғирланди. 11 июнга ўтар кечаси 4-цехдан яна 625 килограмм пластика ўғирланди.

Кўрилган чоралар туфайли 11 июнда 284 метр электр кабелни олиб чиқиб кетишга уринаётган пайтда корхона ишчиси қўлга тушди. Буюм корхонага қайтарилди, тергов ишлари олиб борилмоқда.

● **ГРАЖДАНЛАРНИНГ МУЛКИ ЎГИРЛАНДИ**

17 июнга ўтар кечаси Сергели районидаги авиация шаҳарчаси турар жой массивидаги 88-уй олдида жойлашган гаражлардан автоген билан деворни қирқиб Орифжоновга тегишли «ВАЗ—21063» енгил машинасининг бешта ғилдирагн, аккумулятори, олд ва орқа ойнаси ўғирлаб кетилган. Жиноятчилар қидирилмоқда.

● **ҚЎЛГА ТУШИРИЛДИ**

16 июнь куни соат 23 дан 30 минут ўтганда заргарлик заводи ёнидаги Я. Купола кўчасида «Ява-350» мотоциклида бораётган номаълум шахс гражданка Лазеровани қўлидан сумкасини тортиб олган. Унда пул бор эди. Акмал Икромов район ички ишлар бўлимининг ходимлари А. С. Сандов, А. Саматов ва А. Ф. Великийларнинг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли бир кеча-кундуз давомида жиноятчи аниқланди ва қўлга туширилди, ўғирланган буюм эгасига қайтарилди. Тергов давом этмоқда.

⊙ **АВТОМАШИНАЛАРНИ ОЛИБ ҚОЧГАНЛАР ҚИДИРИЛМОҚДА**

Кейинги пайтда шаҳарда эгаларн томонидан қаровсиз қолдирилган автомототранспорт воситаларнини олиб қочиш ҳолларн тез-тез учрайдиган бўлиб қолди.

6 июнь кечаси Олой бозори олдида А. Толстой кўчасидан «78—84 ТНХ» давлат номерига эга бўлган «Москвич—412» автомашинаси олиб қочилган. Оч қизил рангли бу машина Гиллерга тегишли эди.

8 июнь кечаси Чилонзор районидаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси ёнида жойлашган Волгоград кўчасидан Горбатюкнинг тўқ кўк рангли, «90—46 ТНК» рақамли «Москвич—412» енгил машинаси олиб қочилган.

9 июнь кечаси Куйбишев районидаги Урицкий кўчасидан Толкановнинг оқ рангли, «43—09 ТНЦ» рақамли «ВАЗ—21011» енгил машинаси олиб қочилган.

16 июнга ўтар кечаси Куйбишев районидаги Мўминов кўчасидан Батнгиянинг оқ рангли, «89—24 ТНЦ» рақамли «ВАЗ—2101» машинаси олиб қочилган.

16 июнь куни Октябрь районидаги Абай кўчасидан Кимнинг оқ жигарранг, «Д—21—75 ТШ» рақамли «ВАЗ—2103» машинаси олиб қочилган.

17 июнь кечаси Ҳамза районидаги Илтифот кўчасидан ва Ленин районидаги Ремесленная кўчасидан бирнчи ва иккинчи автокомбинатнинг ҳайдовчилари Харин ва Нурмуҳамедовга тегишли бўлган «22—54 ТНЛ» ва «34—38 ТНА» рақамли «ГАЗ—24» такси — машиналари олиб қочилган.

Тергов ишларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, кўпчилик ҳолларда жиноятчилар олиб қочилган автомашиналарни қисмларга бўлиб ташлашади. Эҳтиёт қисмлар, шу жумладан, ғилдираклар, ойналар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва бошқа буюмларни Тошкент шаҳридаги автоҳаваскорларга арзон нархда пуллашади. Уларни сотиб олаётган кишилар жиноятчиларга хомийлик кўрсатаётганликларини тушунишмайди.

⊙ **ЖИНОЯТЧИ ҚИДИРИЛМОҚДА**


Босқинчилик қилганлиги учун 1960 йилда туғилган, тошкентлик, Оромбахш кўчасида 71-уйда яшаган Мирякё Мирбекоғевич Манафов қидирилмоқда.

Белгилари: ўрта бўй, юзи чўзинчоқ, қорасоч, дўнбурун, мўйлови бўлиши мумкин. Шунингдек яшил рангли «ВАЗ—2106» автомашинасидан фойдаланаётган бўлиши ҳам мумкин.

Ўзингиз учратган жиноятчи, тартиббузарлик ва безорилар ҳақидаги маълумотни 33-71-47, 56-99-19 рақамли телефонлар орқали хабар қилишингизни сўраймиз.

Сув спорти ҳафталиги қандай ўтди?

Тошкентликлар иштирокисиз



Езнинг ҳароратли кунларида шаҳримиздаги турли шакл-шамойилда жўшиб отилаётган фавворалар ўзгача файз-тароват бағишлайди. Иссиқлаб кетган кичкинтойлар зилол сувларда чўмилиб роҳат қилишади.

Суратларда: шаҳримизнинг биллур фавворалари.

В. Тўраев фотолари.

110-мактаб базасидаги сузиш ҳавзаси Ленин районидаги ягона ншоотдир. Шу боисдан у ҳамиша гавжум. Эрталабки соат 7 дан бошлаб 20 га қадар машғулотлар давом этади. Ҳавза дирекцияси машқлар жадвалини район спорт комитети, халқ маорифи бўлими билан келишган ҳолда тузган.

Белгиланган тартибга кўра бу ерга ҳар куни биринчи бўлиб 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқувчилари келишади. Кейин навбат 110, 94 ва 175-мактаб вакилларига берилади. Инструктор Марина Пеливан кўп вақтини шу ерда ўтказади. Илк бор сувга тушаётганларнинг қўлидан тутиб туради. ГТО нормативига амал қилишларини назорат қилади. Машғулотга қатнашаётганларнинг ёши ва малакасига монанд ҳавзанаги сув миқдорини кўпайтириб, озайтиради. Бу ишларни шунчаки эмас, меҳр билан бажаради. Чунки, сузиш ёш авлод саломатлигини тиклашда муҳим восита эканлигини тажрибада кўп кўрган. Врачлар тавсияси билан келган касалманд болакайларнинг кўп ўтмай дарддан фориғ бўлганини кўриб қувонган.

Каникул кунларида болаларнинг вақтларини мазмунли ўтказишни қандай ташкил қилиш керак? Шаҳарда қолганлар учун пионер лагерларн ташкил қилингани маъқул. Бу кўпчиликнинг фикри эди. Шу боис 110-мактабда «Святлечок», 175-мактабда «Гайдаровец», 94-мактабда «Восход» пионер лагерлари ташкил этилди. Сузиш машғулотларида қатнашиш лагерларнинг кун тартибига киритилди. 360 ўқувчи жазирама кунларда сув ҳавзасида маза қилиб чўмилмоқда.

Сув тетиклик ва бардамлик манбан эканлигини «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятн ҳавзасининг ходимлари ҳам яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам бу ердаги машғулотлар барвақт — эрталаб еттида бошланади. Кечки соат ўнга қадар белгиланган машқлардан ташқари турли масофага эстафетали сузиш, ГТО нормативларини бажариш, онла стартлари сингари қизиқарли мусобақалар давом этади. 162, 163, 164, 182, 184-мактабларнинг лагерларида дам олаётган ўқувчилар инструкторлар ёрдамида сузиш силарини ўрганишади. Бу ерда бир кунда 1500 дан 1700 га қадар ҳамшаҳаримиз дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаяпти.

Хуллас, «Меҳнат резервлари» сув ҳавзасидан тўла фойдаланилмоқда. Бироқ, сув спортини оммалаштиришга мутасадди бўлган айрим кишилар билан бўлган суҳбатимиз мазмуни бошқача чиқди. Жумладан, 110-мактаб сузиш ҳавзаси директори Александр Гончаров шундай деди:

Машғулотлар белгиланган вақтда, юқори савияда ўтказилмоқда. Бутуниттифоқ сув спорти ҳафталигига келсак, у июль ойининг охирида ўказилади. Ҳали вақт бор. Тайёргарлик кўришга улгурамиз.

«Меҳнат резервлари» сузиш ҳавзаси директори В. Липченко:

— Тўғрисини айтганда, программамиз жуда тиғиз. Уни бузишни лозим топмадик. Ахир, июль ойининг охирларига қадар бўладиган мусобақалар ўтказиладиган тадбирлар планини тузиб қўйганмиз-да.

Бу жавоблардан ўтган ҳафта Бутуниттифоқ сув спорти ҳафтаси сифатида мамлакатимизда кенг нишонланганлигига бефарқлик аломатлари сезилиб турибди. Холис айтганда, бу икки ҳавза ходимлари кундалик юмушлар билан банд бўлиб, кенг доирада ўтказилган тадбирга муносабат билдиришмади. Бошқа сув объектларидаги масъул ходимлари нима қилишди?

Афсуски, ҳафталик деярли нишонланмади. Ваҳоланки, ҳафталикни ўтказишдан мақсад аҳолига фақат сузишни ўргатиш эмасди. Кейинги пайтда тобора оммалашиб бораётган сув полоси, синхрон сузиш, турли баландликдаги минорадан сувга сакраш каби спорт турларини тарғиб қилиш, аҳолида уларга бўлган меҳрни қўзғатиш эди. Бунинг моҳиятини шаҳар спорт комитети, район спорт комитетининг ходимлари англаб етмаганлиги ачинарлидир. Натижада «Роҳат», «Комсомол» кўлари, ўнлаб сузиш ҳавзасига эга бўлган тошкентликлар Бутуниттифоқ сув спорти ҳафталигида иштирок эта олмадилар.

М. ОТАХОНОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 24/VI **Куёв.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА 22/VI да **Ҳийлаи шаръий**, 24/VI да **Тошболта ошиқ.**

Кино

22 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30, 20.45).

«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (16, 18.30, 21.00).

«СКРИПКА ҒИЛОФИ» ОПЕРАЦИЯСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«ҚУРЬЕР» — **Қозоғистон** (16, 18, 19, 20.00).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Искра** (17, 15, 20.00), **Москва** (16, 18.30, 21.00), **Лисунов номли** (17, 20.00).

«ҲАМРОҲ» — **Дружба** (17, 19, 21.00).

«УЗОҚ КУЗАТИШЛАР» — **Дружба** (16, 18, 20.00).

«НОЕБ ЗОТ» — **Чайка** (17, 21.15).

«СЕВГИ ҲАҚИДАГИ ИЛОВАЛИ ХАТЛАР» — **Восток** (жуфт соатлада).

«БУ ТЕЛБА ДУНЁ» — **С. Раҳимов номли** (18, 21.00)

«СҮНГГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ? — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00).

23 ИЮНДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ШАҲРИЗОДНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30 20.45).

«ЭРИЁТГАН БУЛУТЛАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14,30, 17, 19.30), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СКРИПКА ҒИЛОФИ» ОПЕРАЦИЯСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда).

«ҚЎЛГА ОЛИШ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги** (тоқ соатларда).

«ҚУРЬЕР» — **Қозоғистон** (11, 13, 14, 16, 18, 19, 20.00).

«ЮЗМА-ЮЗ» — **Искра** (12, 14.30, 17, 15, 20.00), **Москва** (11, 13.30, 16, 18, 21.00), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«ҲАМРОҲ» — **Дружба** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

«УЗОҚ КУЗАТИШЛАР» — **Дружба** (12, 14, 16, 18, 20.00).

«НОЕБ ЗОТ» — **Чайка** (12.45, 17, 21.15).

«СЕВГИ ҲАҚИДА ИЛОВАЛИ ХАТЛАР» — **Восток** (жуфт соатларда).

«БУ ТЕЛБА ДУНЁ» —**С. Раҳимов номли** (12, 15, 18, 21.00).

«СҮНГГИ ВАГОНГА КИМ ЧИҚАДИ? — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон ССР Маданият министрлиги А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕАТР-РАССОМЧИЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ ЎҚУВ ТЕАТРИДА ҚЎЙИЛАДИГАН ДИПЛОМ СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ

Репертуар плани:

22 июнда—Н. В. Гоголь. «УЙЛАНИШ» (комедия) **ўзбек драмаси 4-курс актёрлари.**

24 июнда —Т. Василенко. «БОҒДАМИ Ё ПОЛИЗДА»... **рус драмаси 4-курс актёрлари.**

29-июнь ва 3 июлда — Г. Гладков музикаси. Ю. МИХАЙЛОВ шеъри. Г. МУҲАМЕДОВА таржимаси. А. БОРИСОВ, С. ДРУЖИНИНА. «ГУСАРНИНГ УЙЛАНИШИ» (икки кўринишли қадимий рус водевиллари асосида ёзилган музикали комедия) **ўзбек музикали драмаси 5-курс актёрлари**

1 июлда — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. «ПАРАНЖИ СИРЛАРИ» (икки кўринишли музикали драма) **ўзбек музикали драмаси 5-курс актёрлари.**

Томошалар соат 19.00 да бошланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Е. Лопатин кўчаси, 77-уй (метронинг «Космонавтлар проспекти» станцияси). Справкалар учун телефон 56-45-68.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Чуқурсой кўчасидан канализация ариғи ўтказилиши муносабати билан 159-АВТОБУС МАРШРУТИ 17 ИЮЛГАЧА «Октябрь бозори» — «Ташигрушка» фабрикаси оралиғида ҳаракат қилади.

Барча турдаги шаҳар пассажир транспорти ишини координациялаш ва ривожлантириш бошқармаси (телефон 34-62-11).

ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ҲАМЗА РАЙОН АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Строитель кўчасидан ўтган ўрта босимдаги газопровод тармоғининг профилактик ремонти бошланиши муносабати билан

23 ИЮНЬ СОАТ 14 ДАН 18.00 ГАЧА

Строитель, Чарос, Табаррук, Саодат, Шавкат кўчалари —проездлари билан, **Чашма** кўчаси проездлари билан, **З. Шамсутдинова** кўчасининг ўнг томони, **Оҳангрибо, Д. Усмонов, Мулойим** кўчалари бўйлаб

ГАЗ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

Юқорида кўрсатилган вақтда абонентлар газ плиталари ва бошқа газ асбоблари жўмракларини беркитиб қўйишлари зарур.

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

«ТАШГАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси (телефон 48-56-24).

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси
56-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тўқувчилар, йигирувчилар, калаваловчилар, пишитувчилар, қайта таровчилар, ғалтакка ип ўровчилар, пилик-ловчилар, калава эшувчилар.

Ўқиш муддати — 1-3 йил.
ЎҚИШГА 8, 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3 йил таълим олувчи ўқувчилар ўқиш даврида бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. 10-синф маълумоти билан ўқишга қабул қилинганлар 30 сўм стипендия ва база корхона ҳисобидан қўшимча 40 сўм ҳақ тўланади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 процснти тўланади.

Билим юртини 3 йил ўқиб тугаллаган ўқувчилар касб билан бирга тўлиқ ўрта маълумот ҳам оладилар, аълочи ўқувчиларга имтиёзли равишда техникум ва олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланма берилади.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Билим юрти ётоқхонага, спорт комплексига, эга. Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Билим юрти қошида автомобиль ҳайдашга ўргатиш пуллик курси мавжуд.

Билим юртига киришни истовчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика, яшаш жойидан справка.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: 700198, Тошкент шаҳри, Сергели райони, Қўйлиқ массиви 5-«Б», 50-уй (37 э, 45, 55-автобуслар; 26-трамвайнинг «Диспетчерская» бекати). Телефонлар: 90-19-71, 90-61-11, 90-19-81, 90-60-09.

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ» заводи базасидаги
18-ЎРТА-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: КЕНГ ПРОФИЛДАГИ СТАНОКЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-ИИҒУВЧИЛАР, СЛЕСАРЬ-РЕМОНТЧИЛАР, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИЛАРНИ.
Ўқиш муддати — 3 йил;

ТОКАРЛАР, СЛЕСАРЬ-ИИҒУВЧИЛАР, ФРЕЗЕРЧИЛАР, ТЕХНИКА НАЗОРАТИ БЎЛИМИ КОНТРОЛЁРЛАРИ ВА РАҚАМЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ДАСТГОҲЛАРНИНГ ОПЕРАТОРЛАРИНИ.

Ўқиш муддати — 1 йил.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Уч йиллик ўқишни битирганларга тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ва ихтисослик эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига қабул қилинганлар кийим-бош, овқат билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчилар ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Бир йиллик ўқишни тугатганларга ихтисослик эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади. Билим юртига қабул қилинганлар стипендия оладилар. Тошкентда прописка турган ва Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган ўқувчиларга тариф маоши миқдорида стипендия тўланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан ҳамда медицина (286-форма) справкалари.

Адрес: Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 57-уй (4, 7, 9, 11, 28, 24-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 3, 50, 54, 45-автобусларнинг «Соцгородок» бекати). Телефонлар: 53-95-26, 53-95-21.

ПОСИЛКАЛАРДА МЕВА ВА САБЗАВОТ ЖЎНАТУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хусусий кишилардан 15 ноябргача иккитадан кўп мева ва сабзавот посилкалари (ҳар қайсиси 8 кг. дан ортиқ бўлмаган) **қабул қилинмайди.**

Мева ва сабзавотларни буткул берк таралар, шу жумладан полиэтилен халталарда жўнатманг.

Бир посилкада мевалар билан бирга бошқа буюмлар (саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳоказолар)-ни жўнатиш мумкин эмас.

«Талаб қилиб олингунча», почта (абонемент) **қутилари, «дала почтаси», «бозор», дарё ва денгиз кемалари адресларига ўрик, шафтоли, олхўри, олча ва тез бузиладиган бошқа мева-чевалар, шунингдек янги мева ва сабзавотлар солинган посилкалар почта орқали жўнатиш учун қабул қилинмайди.**

Алоқа органлари посилкаларни жойлаш ва жўнатиш қоидаларига роия этмаганлиги учун моддий жавобгарликни ўз зиммасидан соқит қилади.

ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1987-1988 ўқув йилига
КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЁТСОЗЛИК, МЕТАЛЛАРГА ҚИРҚИБ ИШЛОВ БЕРИШ, АСБОБСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ МОНТАЖ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ, МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ, ПРОГРАММАЛЬ БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ СОЗЛАШ.

Ўқишга 8 ва 10-синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Кундузги бўлимнинг ўзлаштирувчи ўқувчилари ойига 30 сўмдан 45 сўмгача стипендия оладилар, аълочилар стипендияга қўшимча 50 процент, яхши баҳолилар —25 процент устама ҳақ билан таъминланадилар.

Техникумнинг кундузги бўлимини тугатиб имтиёзли диплом олган ўқувчиларга ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма берилади.

Саккиз йиллик мактабни мақтов қоғози, ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаллар билан битирганлар, кириш имтиҳонлари олинадиган фанлардан «айрим фанларни ўзлаштиришдаги алоҳида муваффақиятлари учун» мақтов қоғозини олган ўқувчилар, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган ўқувчилар техникумга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта ҳунар-техника билим юртларини ёки мактабларни «4» ва «5» баҳоларда тамомлаган ўқувчилар ҳам (тегишли мутахассислик ва таълим формаларига кўра) металларга қирқиб ишлов бериш (ўнинчи синфни битириб кечки бўлимга кираётганлар; саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), асбобсозлик ишлаб чиқариши, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилиш (саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), программали бошқариладиган станоклардан фойдаланиш ва уларни созлаш, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш (ўнинчи синф ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини битириб кечки бўлимга кираётганлар) ихтисосликлари бўйича техникумга кириш имтиҳонларисиз (қабул қилинувчиларнинг 60 процснти доирасида) қабул қилинадилар.

Аризаларни қабул қилиш тўхтатилишидан 4 кун олдин кириш имтиҳонларисиз қабул амалга оширилади.

Қолган ўринларга конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар қабул қилинади.

Аризалар: кундузги бўлимга 8-синф маълумоти билан — 31 июлгача, 10-синф маълумоти билан — 15 августгача, 10-синф маълумоти билан — 15 сентябргача қабул қилинади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун); паспорт, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга лаёқати ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача ўтади, 8-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (диктант); 10-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (иншо) топширадилар; **кечки бўлимда — уч муддатда — 20 сентябргача ўтади.**

Техникумнинг ётоқхонаси йўқ. Прописка билан таъминламайди.

Адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, 111-аудитория (5, 7, 12, 18, 58, 68, 113-автобуслар; 2, 3, 4, 13, 22, 28-трамвайлар; 1, 8, 10, 11, 13, 16-троллейбусларнинг «Революция ниёбони» бекати). Справкалар учун телефонлар: 33-89-22, 33-69-34.

Сизнинг фикрингиз қандай?

УЧРАШУВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Акмал Икромов райпродторги маъмурияти ва халқ назоратчилари ҳамкорликда харидорлар билан учрашувлар уюштирмоқда. Сиз хизмат кўрсатиш маданияти, товарлар ассортименти, магазинларнинг иш тартиби ҳусусидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ана шу учрашувларда билдиришингиз мумкин.

СИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДА КУТИШАДИ:
22 ИЮНЬ КУНИ

1-магазин — Бобир кўчаси, «Г-9-А» квартали, 20-уй (2, 33, 29-автобуслар, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати);
2-магазин — Ғ. Ғулом кўчаси (2, 33, 29-автобуслар, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати);
3-магазин — Чилонзор массиви, 14-квартал, 5-уй (2, 33-автобуслар, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон ота» бекати);
5-6 магазинлар — Чилонзор массиви, 13-квартал, Фарҳод кўчаси, 97-уй (20, 75, 185-автобусларнинг «Фарҳод бозори» бекати);
8-магазин — Чилонзор массиви, 11-квартал, 8-уй;
9-магазин — Заргарлик заводи;

23 ИЮНЬ КУНИ

13-магазин — Чилонзор массиви, 26-квартал, «Москва» кафеси (4, 9, 17-трамвайларнинг «Москва» кафеси» бекати);
16-магазин — Чилонзор массиви, 13-квартал, 40-уй (77-автобуснинг «Башкирия» магазини» бекати);
18-магазин — Чилонзор массиви, 21-квартал, 1-«б» уй (13, 87, 182-автобусларнинг «Райижроком» бекати);
19-магазин — Чилонзор массиви, 21-квартал, Фарҳод кўчаси, (20, 79-автобусларнинг «Фарҳод» кафеси» бекати);
20-магазин — Назарбек кўчаси, 192-уй (87, 79, 20, 70-автобуслар);
15-магазин— Чилонзор массиви, 14-квартал, 33-уй (87-автобуснинг «Поликлиника» бекати);
35-магазин — Ҳалқа йўл, 6-уй (87-автобус, 8, 17-трамвайларнинг «Лабзак» бекати);

24 ИЮНЬ КУНИ

22-магазин — Уйғур кўчаси, 217-уй (64, 79-автобусларнинг «Бешқайроғоч» бекати);
24-магазин — Ялдил кўчаси, 8-трамвай ҳалқаси;
25-магазин — Абдуллаев кўчаси (53, 64, 79-автобусларнинг «Бирлик» бекати);
28-магазин — Зиё Саид кўчаси (8, 17-трамвайларнинг «Кўп профилли касалхона» бекати);
30-магазин — Ялдил кўчаси (39, 46-автобусларнинг «Баҳор» бекати);
31-магазин — Зиё Саид кўчаси (8, 17-трамвайларнинг «Штаб» бекати).

УЧРАШУВЛАР ВАҚТИ—СОАТ 10 ДАН 18.00 ГАЧА.
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙПРОДТОРГИ

«Ретро» услубидаги безаклар

КВАРТИРАНГИЗДАГИ ҲАР ҚАНДАЙ МЕБЕЛЬ БИЛАН УЙҒУНЛАШУВЧИ МАНЗАРАЛИ БЕЗАК (декар)**НИ ТАНЛАБ ОЛИШ МУМКИН.**

ЎЛАР МЕБЕЛГА «КЎХНА БУЮМ» ҚИЁФАСИНИ БАҲШ ЭТАДИ.

«УЗБИТПЛАСТИК» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг

1-ФИРМАЛИ МАГАЗИНИДА

ХИЛМА-ХИЛ МАНЗАРАЛИ БЕЗАКЛАР БОР.
Уларнинг баҳоси — 9 тийиндан 75 тийингача.
Магазин адреси: «УзССР 50 йиллиги» проспекти, 24-уй.
Иш вақти соат 10 дан 19.00 гача, танаффус — 14 дан 15.00 гача, дам олиш куни — душанба. 1, 2, 7, 21-троллейбуслар; 47, 100-автобусларда «Ганга» магазини» бекатигача борилади.



«УЗБИТПЛАСТИК» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 1-ФИРМАЛИ МАГАЗИНИ (телефон 44-50-30).
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонаси коллективи кутубхонанинг катта библиографи С. Я. Шермуҳамедова отаси

Ёқуб ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент гидрометеорология техникуми коллективи ўқув гидрометстанцияси бошлиғи Э.А. Комилов га онаси

Иқбол КОМИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—14002. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 20.15 да қўл қўйилган. [График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим]. Тиражи — 75.131. Б. 2154. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.